



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2016 йил 5 март, № 46 (6481)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Янгиликлар, воқеалар, хабарлар



Яна бир истиқболли лойиҳа

Жиззах

Жиззах туманида бундан уч йил аввал фаолият бошлаган «Жиззах индустриал тўқима» масъулияти чекланган жамияти бўз матоси ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Яқинда корхонада янги лойиҳа амалга оширилган калава ип тайёрлаш ҳам ўзлаштирилди.

— Ушбу бизнес-режамизни рўйбга чиқаришда банкнинг 1 миллиард 127 миллион сўмлик имтиёзли кредитдан самарали фойдаландик, — дейди МЧЖ раҳбари Жаҳонгир Зухуров. — Шу

билан бирга, икки миллиард сўмлик ўз маблағимизни ҳам мазкур лойиҳа рўйбга йўналтирдик. Даставвал, бинони таъмирлаб, реконструкция қилдик. Шундан сўнг Швейцариядан йиғирув дастгоҳлари харид қилдик. Намангандан эса ҳавони намлаш ва совитиш ускунасини келтириб ўрнатдик. Пировардида йилга 1200 тонна калава ип ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлдик. Корхонамиз тўлиқ қувватга эришган, бу ерда меҳнат қилаётганлар сони 120 нафарга етди.

Тождидин ҚАМАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Илғор технологиялар асосида

Фарғона

Жорий йилда «Кувадон-маҳсулотлари» акциядорлик жамиятида бир неча истиқболли лойиҳа ҳаётга татбиқ этилмоқда. Жумладан, макарон цехида Италия технологияси асосида модернизациялаш тадбирларини амалга ошириш кўзда тутилган. Ушбу лойиҳа рўйбга чиқарилса, тайёрланаётган маҳсулотлар тури 20 тага етиб, уларнинг сифати ҳам тубдан яхшиланади.

— Айни пайтда инвестиция жалб қилиш мақсадида чет эллик ҳамкорлар билан музокаралар олиб борилаётир, — дейди мазкур жамият раҳбари Рустамбек Салимов. — Шунингдек, нон ишлаб чиқариш мажмуи фаолиятини ҳам кенгайтиряймиз. Бизнес-режага кўра, патира, батон нон, ширин кулча каби маҳсулотлар тайёрланиб, сертификат олиш учун Фарғона стандартлаштириш ва метрология бошқармасига тақдим этилди.

Набижон СОБИРОВ.

Тажриба оммалаштирилди

Андижон

Андижон педагогика коллежининг 70 та ўқув хонаси ва фан кабинетлари локал тармоққа уланди. Бу нафақат ўқувчилар, балки ўқувчилар учун ҳам кенг имконият яратди. Эндиликда бой маълумотлардан фойдаланиб, машғулотлар кизикли тарзда ўтказилмоқда.

Бу борада тўпланган тажриба вилоят ўрта махсус касб-хунар таълими тизимидаги муассасалар раҳбарлари иштирокида уюштирилган семинарда алоҳида эътироф этилди. Жумладан, коллежда йигит-қизларнинг бўш вақтини мазмунли

ўтказиш мақсадида компьютер савдонлиги, хорижий тиллар, зардушлик каби тўрақлар фаолияти йўлга қўйилган.

— Ахборот-ресурс марказимизда 27500 дан зиёд номдаги адабиётлар мавжуд, — дейди ушбу таълим муассасаси директори Фурқат Бузрукوف. — Шунингдек, Андижон давлат университети билан ҳамкорликда 2,5 мингдан ортиқ номдаги қўлланмаларнинг электрон шакли яратилди.

Тадбир якунида илғор педагогик услублар ва тажрибаларни амалиётга татбиқ қилиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

Сайдахмад ШУКУРОВ.

Хитой матбуоти:

«ШХТ ривожланишида Ўзбекистон муҳим ўрин тутди»

Маълумки, ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси 2001 йил 15 июнда Хитойнинг Шанхай шаҳрида ташкил этилган халқаро тузилма — Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ)га раислик қилмоқда.

ЭЪТИРОФ

Айни шу жиҳат жаҳон оммавий ахборот воситаларининг диққат марказида турибди. Масалан, яқинда Хитойнинг «Дунфан Цзабао» («Шарқ тонги») газетасида ушбу мавзуга бағишланган мақола чоп этилди.

Унда муаллиф — газетанинг халқаро янгиликлар департаменти директори Вэй Синнинг таъкидлашича, Ўзбекистоннинг тинчликсевар сиёсати ҳамда минтақадаги хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича изчил саъй-ҳаракатлари туфайли мамлакатнинг халқаро ҳамжамиятдаги обрў-эътибори йил сайин ортомқола. Республика нуфузли халқаро тузилмалар, шу жумладан, Шанхай

ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги алоқаларга алоҳида эътибор қаратапти.

Мақолада ШХТ ташкилоти топиши ҳамда ривожланишида Ўзбекистон тугган ўринга юқори баҳо берилган. Қайд этилганидек, ушбу тузилманинг асосчи давлатларидан бири ҳисобланадиган Ўзбекистон ҳозирги пайтгача ташкилотга икки маротаба — 2003-2004 ва 2009-2010 йилларда раислик қилган. Журналист ёзганидек, айнан Ўзбекистон ташаббуси билан ШХТ фаолиятини тақомиллаштириш, турли йўналишлардаги ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш тўғрисидаги кўпгина муҳим ҳужжат ва қарорлар қабул қилинган.

«Ўзбекистон раислиги даврида, яъни 2010 йилнинг апрелида муҳим тарихий воқеа рўй берди: БМТ Бош қотиби Пан Ги Муннинг Тошкентга ташрифи чоғида БМТ ва ШХТ қотибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма декларация имзоланди. Бу ҳужжат долзарб масалаларнинг ҳал этилишида биргаликдаги саъй-ҳаракатлар учун мустаҳкам замин яратгани ҳолда, икки ташкилотнинг расмий ҳамкорлигини бошлаб берди», деб ёзди Вэй Син.

Хитойлик шарҳловчи таъкидлаганидек, 2015 йил 11 июль кунги ШХТ раислиги навбати яна Ўзбекистон Республикасига ўтди. Жорий йилда ташкилот тузилганининг 15 йиллиги кенг нишонланади. Бу ҳам ташкилотнинг истиқбол режаларини муваффақиятли амалга оширишда маъсулиятини янада юксалтиради.

«Ўзбекистон амалдаги аънаварига кўра, ташкилотга аъзо давлатларнинг конструктив ҳамкорлигини кенгайтириш ва ривожлан-

тириш бўйича манфаатлари-га жавоб берадиган, халқаро майдонда ШХТ нуфузи изчил ошишининг таъминла-ниши тамойилларига қатъий амал қилмоқда. Мамлакат халқаро алоқаларни ривож-лантириш бўйича ташаббусларни ишлаб чиқиш ҳамда ҳаётга татбиқ этиш, ШХТ Хартиясида ўз ифодасини топган мақсадлар, вазифа-лар ва тамойилларга му-вофиқ, меъёрий-ҳуқуқий заминни мустаҳкамлаш йўли билан минтақада хавфсизлик ҳамда барқарорликни таъ-минлашга қўмақлашаётир», деб таъкидланади нашрда.

Вэй Син ташкилотга Ўзбекистон раислиги дои-расида Тошкентда ШХТга аъзо давлатлар раҳбарла-рининг Кенгаши йиғилиши ва бошқа тадбирлар ўтказилиши хусусида тўхта-лар экан, уларнинг якуни бўйича қабул қилинадиган ҳужжатлар ҳамда қарорлар ШХТ келажагини белгилаб беришига ишонч билди-ради.

«Жаҳон» АА.
Шанхай

Энергетика тизими:

ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ



Ишлаб чиқаришни техник ҳамда технологик жиҳатдан узлуксиз янгилаб бориш, доимий равишда ички имконият ва захираларни излаб топиш, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, sanoatni модернизация ҳамда диверсификация қилишни изчил давом эттириш давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган тараққиёт стратегиясининг муҳим вазифаларидан биридир.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Шундан келиб чиқиб, энергетика соҳасига илғор техноло-гияларни жалб қилган ҳолда, модернизация ва реконструк-

ция қилишни давом эттириш, тежамкор замонавий ускуна-ларни ўрнатиш орқали электр энергияси ишлаб чиқариш ҳаж-

мини муттасил ошириш бора-сида изчил чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Бинобарин, ҳозирги кунда мам-лакатимизда ишлаб чиқарилаёт-ган электр энергиясининг 41 фо-изи sanoat, 31 фоизи қишлоқ ҳўжалиги, 24 фоизи аҳоли ва ком-мунал хизматлар, 4 фоизи эса транспорт ва куриш тармоқла-рида фойдаланилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Мамлакатимизда демократик ислохотларни амалга ошириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражасини юксалтиришда фуқаролар йиғинлари фаол қатнашиб келмоқда. Буни уларнинг жамоатчилик назоратидаги роли тобора ортиб бораётганлигида, хусусан, йилнинг ҳар чорағида туман, шаҳар ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти доирасига кирувчи масалалар бўйича ҳисоботларини эшитиш самарали рўйбга чиқарилаётганида ҳам кўриш мумкин.

Маҳаллаларда ҳисоботларни эшитиш амалиёти

улар фаолияти самарадорлигини
оширишга хизмат қилмоқда

Жойларда ушбу масала-га бағишлаб замонавий афборот-коммуникация технологияларидан фой-даланган ҳолда, ўткази-лаётган ўқув-семинарлар бу борадаги ишлар кўла-мини кенгайтиришга қара-тилган. Фуқаролик жамия-ти шаклланишини монито-ринг қилиш мустақил институти томонидан «Ма-ҳалла» хайрия жамоат фонди, Адлия вазирлиги ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини му-вофиқлаштириш бўйича худудий кенгашлар билан ҳамкорликда ташкил эти-лаётган тадбирлар тизим ходимлари билимини мустаҳкамлаш баробари-да, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, фуқаролар йиғинларининг жамоатчилик назоратини амалга ошириш йўналиши-даги фаолиятини тақомил-лаштиришда ўзига хос аҳамият касб этмоқда.

Урганчда бўлиб ўтган ўқув-семинарда фуқаро-лар йиғинларида ҳисобот йиғилишларини ташкил қилиш тартиб-қоидалари бўйича батафсил маълумот берилди.

— Маҳаллаларда туман, шаҳар ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарла-ри, фуқаролар йиғинлари ходимларининг чораклик ҳисоботларини эшитишга оид қоидалар амалиётга кенг жорий қилиниши дав-лат ҳокимияти ва бошқа-руви органлари фаолиятининг очиллигини таъмин-лашда қўл келади, — дей-ди Фуқаролик жамияти шаклланишини монито-ринг қилиш мустақил ин-ститути Хоразм вилояти худудий бўлими етакчи му-тахассиси Баҳром Бекча-нов. — Айни чоғда маҳал-лий ижро ҳокимияти органлари ҳамда фуқаро-лар йиғинлари ўртасида-

ги ижтимоий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, соҳада фаолият олиб бораётган ходимларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга эри-шиш ва худудлардаги ма-салаларни ўз вақтида ҳал этиш имкониятини ярата-ди. Семинарда шу каби муҳим масалалар бўйича атрофича тушунтириш берилди.

Тадбирда мазкур йўна-лишда самарали фаолият олиб бораётган маҳалла-лар фаолларининг иш таж-рибаси чуқур ўрганилди.

— Бундай семинарлар маҳаллалардаги ишларни янада тақомиллаштиришга хизмат қилади, — дейди Урганч шаҳридаги «Қўҳна қалъа» маҳалласи фаоли жамабоб Маҳкаримов. — Шу билан бирга, ҳисобот йиғилишларини ўтказиш борадаги фуқаролар йи-гинлари ходимлари билим ва тажрибасини юксалти-ради, раҳбарларнинг маъсулиятини кучайти-ришга ёрдам беради.

Жиззахда ташкил этилган тадбирда фуқаро-ларнинг ўзини ўзи бошқа-риш органларида туман (шаҳар) ижро этувчи ҳокимият раҳбарларининг фуқаролар йиғинлари фаоли-яти доирасига кирувчи ма-салалар бўйича ҳисобот-ларини эшитишнинг таш-килий-ҳуқуқий асослари, йилнинг ҳар чорағида фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари, жа-моатчилик комиссиялари ҳамда «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси раҳбари, фуқаролар йиғи-нининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича масла-ҳатчиси ҳисоботларини эшитиш тартиб-таомилла-рига доир маърузалар тингланди.

(Давоми 2-бетда).

Беқиёс янгилинишлар даврида яшайпмиз

Узоқ йиллар темир йўл соҳасида меҳнат қилиб, нафақага чиққанман. Аммо кексалик дея уйда ўтиравермайман. Юртимиз шаҳару қишлоқлари бўйлаб саёҳатга чиқиб, рўй бераётган ўзгаришлар, янгилинишларни ўз кўзим билан кўришга интиламан. Очиги, бундан нафақат завқ оламан, балки кучимга куч қўшилади, руҳим янада тетиклашади.

ДИЛ СЎЗИ

Мамлакатимиз муста-қилликка эришгач, Президентимиз раҳнамо-лигида халқимиз фаро-вонлиги учун жуда кўп эзгу саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Биргина темир йўл тизими ҳақида айтганидан бўлсак, тарихан қисқа даврда шундай ишлар қилиндики, бу ҳар биримизга чексиз

фахр ва ифтихор бағиш-лайди. Масалан, «Тошгу-зар — Бойсун — Қумқў-рғон» темир йўли Марказий Осиёда ўхшаш йўқ ноёб иншоот саналади. У Ўзбе-кистонимизнинг бугунги куч-қудрати, салоҳияти-нинг яққол ифодасидир.

(Давоми 2-бетда).

Юртга садоқат — олий саодат

Ватан олдидаги шарафли бурчини адо этиб, оиласи бағрига қайтаётган йигитларни катта тантана билан кутиб олиш яхши анъанага айланган.

МУҚАДДАС БУРЧ

Президентимизнинг 2015 йил 23 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини мuddатли ҳарбий хизматга мuddатли қақруви ҳамда бел-гиланган хизмат мuddатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчилар-ни Қуролли Кучлар резерви-га бўшатиш тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида Нукус темир йўл вокзалида ана шундай тад-бир уюштирилди.

Ота-оналарнинг юз-кўзларида хурсандчилик туйғуси балқиб турибди. Ахир миллий армиямиз сафларида хизмат қилиб, ҳам жисмонан, ҳам маънан камолга етган, куч-қувватга тўлган жигар-бандини кўрган ҳар қандай кишининг бундай дамларда қувониши, ўзини бахтиёр ҳис этиши, табиий.

Тадбирда сўз олганлар давлатимиз раҳбари бошчилигида

Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ҳамда уларнинг самаралари ҳақида алоҳида тўхталдилар.

— Аскарлик даври ҳар бир йигитнинг умр йўлидаги энг муҳим босқич ҳисобланади, — дейди мuddатли ҳарбий хизмат-ни ўтаб қайтган Шарьяр Мамбет-ниязов. — Бунга мен ўзим мисолимад гувоҳ бўлдим. Утган бир йил давомида дунёқарашим анча кенгайди. Тартиб-интизомга қатъий риоя этиш-га, вақтни қадрлашга ўргандим. Ҳарбий тайёргарлик машғу-лотларидан сўнг, имкон то-

пилди дегунча, кўпроқ китоб мутулаа қилиб, билимимни мустаҳкамлашга интилдим. Армияга кетаётганимда кузатиб қўйган тенгқурларим ушбу давр мобайнида бунчалик ўзгарган-нимни кўриб, ҳавас билан қарашганида, очиги, ич-ичим-дан гурурланиб кетдим. Қайси соҳада фаолият юритишимдан қатъи назар, Ватанимиз равна-кига муносиб ҳисса қўшиш менинг энг олий орзуимдир.

— Утган йили ўғлим Элбек-нинг ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросимида қатнашиш учун боргандик, — дейди Нукус шаҳрилик Хилола Эргашева. —

Ҳарбий қисмда яратилган шарт-шароитларни кўриб, ҳавасимиз келганди. Фарзандим армияда анча тобланибди, улғайибди. Юрт қорига ярайдиган шундай йигитни вояга етказганимдан бунун гурур ҳиссини туйдим. Бундай бахт ҳар бир ота-онага насиб этишини тилайман.

Маросимда қатнашган кенг жамоатчилик вакиллари, ота-оналар муқаддас бурчини шараф билан уддалаган ўғлонларни кутлаб, уларга келгусидаги ишларида муваффақият тила-дилар.

Санъаткорларнинг дилрабо куй-қўшиқлари тадбирга янада фэйз бағишлади.

Ҳидоят АХМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Энергетика тизими:

ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Электр энергиясига ортиб бораётган эҳтиёжни таъминлашда тармоқдаги етакчи корхоналардан бири ҳисобланган Сирдарё иссиқлик электр станциясининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Президентимизнинг "2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги қарори асосида ишлаб чиқилган дастурга кўра, бу ерда йирик модернизациялаш лойиҳалари бажарилгани муваффақиятларнинг бош омили бўлди.

Гап шундаки, дастурга мувофиқ, станциянинг 2 та энергоблокида модернизациялаш ва реконструкция қилиш тадбирлари амалга оширилди. Натижада блокларнинг умумий қуввати 50 мегаваттга ортиши баробарида, уларнинг хизмат даври 20 йилга узайтирилди. Қолаверса, қиймати 60 миллион АҚШ доллариға тенг ушбу лойиҳа туфайли биргина

2015 йилда 120 минг тоннадан ортиқ ёқилги иқтисод қилиниб, бу борадаги сарф 10 фоизга камайтирилди.

Мазкур модернизациялаш тадбирларидан сўнг 1-қозон — турбина цехини бошқариш ва назорат қилиш автоматик тизимга ўтказилди.

— Янги технологик жараённинг афзалликлари кўп, — дейди корхонанинг иссиқлик автоматикаси ва ўлчовлар цехи бошлиғи Бекмирза Раҳмонкулов. — Масалан, аввал роторнинг ўқ бўйлаб айланиши ёки подшипникларнинг тебранишини назорат

қилиш ёки ўлчаш учун ўнлаб индикатор ва асбобларни кузатиб туришга тўғри келарди. Андиқроқ айтганда, битта

энергоблокнинг ўзида 200 дан зиёд ана шундай назорат-ўлчов ва бошқарув қурilmалари мавжуд эди. Энди эса

нингдек, унинг хотира-си ҳам мавжуд бўлиб, бу, ўз навбатида, ўтган ишлаб чиқариш жараёнларини бемалол ўрга-


тилган чора-тадбирлар станциянинг барқарор фаолиятини таъминлашда катта аҳамият касб этапти.

— Корхонамизда 2600 га яқин киши меҳнат қилади, — дейди кадрларни бошқариш бўлими бошлиғи Умиджон Маханов. — Уларнинг асосий қисми Ширин энергетика касб-хунар коллежини битирган ёшлардир. Махсус ўқув марказимида электр энергияси ишлаб чиқаришнинг мураккаб жараёнлари ва бу борадаги замонавий технологиялар бўйича машғулотлар мунтазам ташкил этиб келинмоқда.

Албатта, бу сайёҳаракатлар ўз самарасини берапти. Республикада ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг 30 фоиздан ортиғи, яъни йилга ўртача 15 миллиард килоВатт/соат электр қуввати мазкур станцияда ҳосил қилиниб, иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолига етказиб берилаётгани бунинг тасдиғидир.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.



бу иш ягона дастурлаштирилган техник мажмуа воситасида марказлаштирилган ҳолда бажарилмоқда. Муҳими, автоматик бошқарув ва диагностика аниқлик энергоблокларнинг узлуқсиз ҳамда мўътадил ишлашини тўлиқ таъминлайди. Шу-

ниш ва таҳлил қилиш имконини беради. Яна бир жиҳати шундаки, корхонада кадрлар салоҳиятини ошириш алоҳида эътиборда. Яъни техник ва технологик янгиланишлар билан бирга, мутахассис-кадрлар малакасини юксалтиришга қара-

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Беқияс янгиланишлар даврида яшашимиз

Ёки замонавий, юқори тезликда ҳаракатланадиган "Афросиёб" электр поездамини олинг. Тошкентдан Самарқандга атиги икки соатда, Қаршига эса уч соатда бориш мумкин. Бундай қулайлик илгари татто тушимизга ҳам кирмаганди. Мана истиқлол шарофати, мана инсон манфаатларига қаратилган оқилона сиёсатнинг меvasи.

Бунёдкорлик, ободонлаштириш жараёнлари изчил давом этирилмоқда. Яқинда Фарғона водийсига бордик. Қамқон довоғи орқали ўтказилаётган "Ангрен — Поп" йўналишидаги янги темир йўл тармоғини кўриб, ҳайратга тушдик. Гарчи, умримизнинг кўпи мазкур соҳада кечган бўлса-да, қачонлардир шу пурвиқор тоғлар оралаб поезд катнашига сира ишонмасдик. Бугун эса барчаси ҳақиқат. Қолаверса, ён-атроф ободликка юз тутиб, бири-бирдан кўркам объектлар, бекатлар қароқчалар кўради.

Хадемай қоялар бағридан локомотив вагонларини илдам тортиб ўтади. Бу воқеа, шубҳасиз, тараққиётимиздаги навбатдаги муҳим босқич сифатида истиқлол тарихига муҳрланади. Келажак авлодга аждодлар шижоати, жасоратидан сўзлайди.

Биз шунинг учун ҳам мустақилликни қадрлаймиз, улуғлаймиз. Хар гал қўлларимизни дуога очганда "Тинчлик-хотиржамлик ҳукм сураётган фаровон юртимизнинг осойишталиги бардавом бўлсин" дея ният қиламиз. Дилчимизда доимо шўқрона. Истагимиз, гўзал Ўзбекистониимиз бундан-да гуллаб-яшнайверсин!

Аминжон ҚОДИРОВ, меҳнат фахрийси, Зангиота тумани

Маҳаллаларда ҳисоботларни эшитиш амалиёти

улар фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Ўқув-семинар доирасида Ҳамид Олимжон номли маҳалла фуқаролар йиғинида Жиззах шаҳар ҳокимининг ҳисоботи эшитилди. Унда Жиззах шаҳрида, шу жумладан, мазкур маҳалла ҳудудини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, санитария ҳолатини яхшилаш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини манзилли қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, шунингдек, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш борасидаги сайёҳаракатлар таҳлил этилди.

Нукусда бўлиб ўтган ўқув-семинарда мазкур масала билан боғлиқ кўплаб маърузалар тингланади, интерфасол усуллардан фойдаланган ҳолда машғулот олиб борилди.

— Жамият ривожидида муҳим восита ҳисобланган жамоатчилик назоратини амалга оширишда маҳаллаларнинг роли ва ўрнини янада ошириш муҳим аҳамиятга эга. Йиғилишда ҳисобот беришни ташкил этиш ҳамда ўтказиш тартиб-таомиллари ҳақидаги билимларимизни янада мустаҳкамлади, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонднинг Нукус шаҳар бўлинма-

си раиси Муратбек Тажимуратов. — Мунозараларга бой тарзда кечган тадбирда экспертлар фикрлари, тажрибали маҳалла фаоллари тақлифлари тинглангани ҳамда бу борадаги ютуқ ва камчиликлар батафсил муҳокама қилинган барча иштирокчилар учун аниқ муддао бўлди.

Намангандаги ўқув-семинарда шаҳар ҳокими, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича шаҳар кенгаши аъзолари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, ОАВ вакиллари, фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда соҳа экспертлари қатнашди.

Иштирокчиларга маҳалланинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш билан боғлиқ ишларни такомиллаштириш моҳияти ва аҳамияти ҳақида атрофлича тушунчалар берилди. Айни чоғда фуқаролар йиғинларида ҳисобот берувчи масъуллар мажбурийлиги, ҳисоботни тайёрлаш ҳамда эшитиш жараёни билан ҳамда таҳлили ишлар, йиғилишларни расмийлаштириш, тегишли бошқарув идораларига юбориш, унинг натижаларини ўрганиш тартиб-қоидалари юзасидан тавсиялар берилди.

Тадбир доирасида "Бўстон" маҳалла фуқаролар йиғинида Наманган шаҳар ҳокимининг ҳисоботи эшитилди.

— Йиғилишда аҳоли томонидан сайланган 64 нафар вакил қатнашди, — дейди фуқаролар йиғини раиси Рустам Ҳайдаров. — Улар ҳоким ҳисоботини диққат билан тинглаб, бажарилган ишлар юзасидан ўз муносабатларини билдиришди. Жумладан, айрим муаммо ва камчиликлар бўйича шаҳар ҳокими ҳамда бир қатор ташкилотлар раҳбарлариға тақлиф ва тавсияларимизни билдиридик. Муҳими, ҳудудда аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги сайёҳаракатлар натижалари, келгусидаги режалар ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлдик.

Сирдарёда ўтказилган ўқув-семинар ҳам ҳар томонлама манфаатли бўлди.

— Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида туман (шаҳар) ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари ҳамда фуқаролар йиғинлари ходимларининг аҳолига чораклик ҳисобот беришидан қўзғалган мақсад ва бунинг аҳамиятига катта эътибор қаратилди, — дейди Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Сирдарё вилояти ҳудудий бўлими раҳбари Солижон Қудратов.

— Шу тадбир орқали аҳоли фуқаролар йиғини ҳудудини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ижро органлари томонидан амалга оширилаётган ишлар

ҳақида атрофлича маълумот олиш билан бирга, бу борадаги ўз тақлиф ҳамда тавсияларини билдиришди. Бу эса, шубҳасиз, ҳудудлар ободлиғи ва аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтиришда муҳим омил ҳисобланади.

Ҳудуддаги "Тараққиёт" маҳалла фуқаролар йиғинида Гулистон шаҳар ҳокими тақдим этган ҳисобот иштирокчилар томонидан қўллаб-қувватланди.

— Ижро этувчи органларнинг фуқаролар йиғинларида чораклик ҳисобот бериш механизми давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очкилигининг ёрқин намунаси, — дейди ушбу фуқаролар йиғини фаоли Манзура Сиддиқова. — Хусусан, шаҳар ҳокими тақдим қилган ҳисобот орқали маҳалламизда рўёбга чиқарилган ишлар ҳамда истиқболдаги вазифаларни белгилаб олдик. Ижро этувчи органлар ва фуқаролар йиғинлари ўртасидаги бу узвий ҳамкорлик негизда ижтимоий-иқтисодий тараққиётимизни янада жадаллаштиришдек эзгу мақсад мужассам.

Ўқув-семинарлар республикамизнинг барча туман ва шаҳрида ўтказилмоқда.

«Халқ сўзи» мухбирлари материаллари асосида тайёрланди.

Хусусий секторга катта имтиёз

Юртимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар самараларини ҳаётимизнинг барча жабҳасида кўриш мумкин. Хусусан, давлатимиз томонидан хусусий сектор вакилларининг қўллаб-қувватланиши ва муносиб рағбатлантирилиши туфайли жойларда янги-янги ишлаб чиқариш субъектлари фаолияти йўлга қўйилиб, уларда импорт ўрнини босувчи ҳамда экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми муттасил ортиб борапти. Мавжуд корхоналарнинг босқичма-босқич модернизация қилиниши эса истеъмол товарлари рақобатдошлигини таъминламоқда.

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ

Бунга Фарғона вилояти ишбилармонлари томонидан рўёбга чиқарилган истиқболли лойиҳалар яққол мисол бўла олади. Чунки уларнинг изланишлари туфайли кўплаб турдаги янги маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилди. Пировардида аҳоли эҳтиёжлари таъминлашни баробарида, хорижлик ҳамкорлар билан алоқалар кўлами кенгайди. Президентимизнинг 2014 йил 4 феврал-

даги "2014 — 2016 йилларга тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида"ги ҳамда 2015 йил 11 февралдаги "2015 — 2019 йиллар учун тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқариш ва маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида"ги қарорлари муваффақиятларнинг бош омили бўлди.

Мазкур ҳужжатларга мувофиқ, ўтган йили 15 та корхонада 22 та лойиҳа рўёбга чиқарилган, 52,5 миллиард сўмлик рақобатдош маҳсулот тайёрланди. Бунда Фарғона шаҳридаги "Экопласт-текст", "Белла пласт", "Газ буюм", Қўқон шаҳридаги "Глобал Азия стандарт", "Кристал инвест пласт", Данғара туманидаги "Мега Кетл" каби хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳиссаси

салмоқли бўлди. Яна бир мисол: шу кунгача вилоят тадбиркорлари Маҳаллийлаштириш дастури доирасида автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар етказиб беришган бўлса, эндиликда полиэфир тола, бўёқ, сэндвич панел каби импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ҳам ишлаб чиқаришмоқда. Бундан ташқари, кундалик турмуш учун зарур электр чойнақлар, иситиш батареялари, болалар ўйинчоқлари, аёллар сумкалари, яримтирка-мали газ цистерналари тайёрлашга киришилгани ҳисобига 14,6 миллион АҚШ долларилик валюта тежаб қолинди. Бинобарин, 61 иш ўрни яратилиб, уларга, асосан, касб-хунар коллежларини тугатган йигит-қизлар қабул қилинди.

Шу ўринда Маҳаллийлаштириш дастури бераётган бошқа имкониятлар ҳақида тўхталас. Гап шундаки, фарғоналик саноатчилар кўзда тутилган солиқ имтиёзларидан фойдаланиб, 1 миллиард сўмдан ортиқ маблағни иқтисод қилишга муваффақ бўлдилар. Ушбу сармоялар корхоналар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, қўшимча қувватларни ишга туширишга йўналтирилмоқда. Жумладан, Фарғона шаҳридаги "Белла пласт" масъулияти чекланган жамиятида 555 миллион сўм, "Экопласттекст" корхонасида 261 миллион сўмдан ортиқ иқтисод қилинган инвестициялар модернизациялаш тадбирларига сарфланиши режалаштирилган.

Яқин истиқболда Фарғонада 162 турдаги қўшимча қийматга эга маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилиши белгиланган. Шунга кўра, ўтган йилнинг ўзида 14 та корхона Маҳаллийлаштириш дастурига киритилди. Тошлоқ, Кува, Олтириқ, Қўштепа, Риштон, Фарғона, Фурқат, Ўзбекистон, Учкўприк туманларидан саноат тармоқлари ана шулар сирасидандир. Мазкур ҳудудларда бир йил ичида 42,7 миллиард сўмлик товарлар тайёрланиб, истеъмолчиларга етказиб берилди. Келгусида кўрсаткичларимиз салмоғи янада ортади. Бунинг учун имкониятларимиз етарли.

Шуҳратжон ТОЖИҲАКИМОВ, Фарғона вилояти иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи.



Иссиқхонада ёз неъматлари

Наманган

Норин туманидаги Бўритепа маҳалласида яшовчи Ҳолматовлар оиласи 35 сотих майдондаги иссиқхонадан мўмай даромад олмақда.

Хитой технологияси асосида барпо этилган ойнаванд ҳудудда 12 турдаги сабзавот ва бошқа экинлар парваришланапти. Эътиборлиси, бу ердан йил давомида ҳосил йиғиб олинади. Масалан, ўтган йилнинг декабрь ойида ўтказилган қарам қўчталари февраль бошидаёқ соҳибкорга 17 миллион сўм даромад келтирди. Яқинда 2 тонна лимон ҳосилдан ҳам катта фойда кўрилди.

— Энди қовуннинг янги, эртапишар навини экишни мўлжаллаб турибмиз, — дейди Иброҳим Ҳолматов. — У агротехника қоидаларига қатъий риоя қилиб парваришланса, ёзнинг иккинчи ойига қолмай пишиб етилади. Бундан ташқари, 40 кути асалари оиласи боқаялмиз. Кўрилаётган даромаддан хонадонимизга барака, турмушимизга фойз кираяпти. Ўтган йилнинг ўзида иккита энгил автомашина сотиб олдик.

Бугунги кунда Норин туманида 452 та ана шундай иссиқхона фаолият кўрсатапти.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Талаб ва эҳтиёж ўрганилди

Хоразм

Мамлакатимизда бунёдкорлик ишлари кенг кўлам касб этаётган бугунги кунда қурилиш ашёларига бўлган талаб ҳам ортиб бормоқда. Кўшкўприк тадбиркор Ойбек Оллабергванов ана шу эҳтиёж ва талабдан келиб чиқиб, замонавий эшик ҳамда дераза ромлари тайёрлашга ихтисослаштирилган "Кўшкўприк савдо инвест" масъулияти чекланган жамиятини ташкил қилди. Айни пайтда илғор технологиялар ёрдамида йилга 500 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти вуждуга келди.

Корхона қошида маиший хизмат ва сервис мажмуаси ҳам қурилиб, ишга туширилди. Бу ерда аҳолига савдо хизмати билан бирга, транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ҳам йўлга қўйилди. Мазкур лойиҳа 1 миллиард сўмлик банк кредити ва ўз маблағи ҳисобига рўёбга чиқарилди. Ҳозир корхонада ҳар ойда ўртача 60 миллион сўмликдан ортиқ қурилиш материаллари тайёрланмоқда ҳамда аҳолига турли хизматлар кўрсатилаяпти. Муҳими, ушбу лойиҳа амалга ошиши билан қишлоқ ёшларидан 20 нафари муҳим иш ўрнига эга бўлди.

Эътиборлиси, ўтган йили вилоятда яратилган қулай ишбилармонлик муҳити туфайли 1 минг 200 дан ортиқ янги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иш бошлади.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Хилма-хил ширинликлар тайёрланмоқда

Сурхондарё

Сарийосиё туманидаги "Аббосбек-Абад" хусусий корхонасида ўн турдаги нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Яқиндан бошлаб эса банкнинг 100 миллион сўмлик кредити эвазига бу ерда қандалоқчилик цехи ҳам ишга туширилди.

— Хорижнинг компьютерлаштирилган ускуналарини маҳорат билан бошқараётган сажжис нафар коллеж битирувчиси томонидан кунига бир тоннагача ширинлик тайёрланмоқда, — дейди

корхона раҳбари Нигора Искандарова. — Маҳсулотларимиз сифати мижозларга манзур бўлаёттир. Шу боис унга бозорда талаб ортиб борапти. Олинаётган фойда ҳисобидан тармоқларни янада кенгайтириш чораларини кўраёғамиз. Шу мақсадда анчагина маблағ қўшимча технологиялар сотиб олишга йўналтирилди. Янги цех иш бошлагач, яна тўққизта иш ўрни яратилиши баробарида, ширинликлар тури ҳам кўпаяди.

Нормурод ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

БАРҚАРОР ВА КАФОЛАТЛИ ХИЗМАТ

Мамлакатимизда иқтисодийнинг бошқа соҳалари қаторида молия-банк тизимида ҳам салмоқли натижалар кўлга киритилмоқда. Бунда тармоқни ривожлантириш мақсадида қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар пойдевор вазифасини ўтаётди.

БАНК ТИЗИМИ

Айтиш керакки, тижорат банклари томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар, айниқса, ҳудудларга йўналтирилган кредитлар аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришда муҳим молиявий манба бўлиб хизмат қилаётди. Бунинг самарасини Андижон вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ушбу вилоят республикаимизнинг аҳоли энг зич жойлашган ҳудудларидан бири эканлиги боис бу ерда оилавий тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш орқали янги иш ўринларини ташкил этиш истиқболли ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки етакчилигидаги тижорат банклари эса аини шу жиҳатга алоҳида эътибор қаратиб, бандликни таъминлашга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Бунда кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар, шу жумладан, микрокредитлар ажратиш тартиб-таомиллари янада соддалаштирилган, сармоя беришда тижорат банкларига кредитнинг умумий суммасида қарз олувчининг гаров таъминотини расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олиш ҳуқуқи берилган, оилавий бизнес ва хунармандчилик вакилла-

рига, шунингдек, касб-хунар коллежлари битирувчиларига маблағлар имтиёзли шартлар асосида тақдим қилинаётгани, айниқса, кўл келаётди.

— Дарҳақиқат, бугунги кунда банкларимиз, том маънода аҳолининг яқин кўмақчисига айланди, — дейди Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Умрбек Тожибоев. — Бунга вилоятимизда амалга оширилаётган ишлар мисолида гувоҳ бўлиб турибмиз. Яъни бизда банк хизматларидан барча мамнун. Аслида шундай бўлиши ҳам керак. Чунки Президентимизнинг маъмур соҳага қаратаётган алоҳида эътибори, молия-банк тизимини янада тараққий топтириши кўзда тутувчи кўрсаткичлари асосида банкларимизда миқдорлар учун кулай шарт-шароит яратилапти, энг муҳими, молия муассасаларининг ресурс маблағлари етарли. Шу боис кредитларга бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Бу, айниқса, ёшларни иш билан таъминлашда муҳим омилга айланган.

Шу ўринда тизимни оқилона бошқариб келаётган Марказий банкнинг иш тутумини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. У-

сусан, кредит ажратишда қайта молиялаш ставкаси йил сайин пасайтириб борилаётгани корхоналарнинг айланма маблағи кўпайиб, харажати қисқариши ҳамда даромади ошишига, маҳсулот таннархининг пасайишига, импорт ўрнини босувчи, рақобатдош товарлар тайёрлаш ҳажмининг кўпайишини таъминлаш баробарида, қишлоқларда оилавий тадбиркорлар сони ортишида, бозорларимизни томорқа хўжалиқларида етиштирилган маҳсулотлар билан тўлдиришда кўл келапти. Қолаверса, махсус дастурларнинг изчил ижроси ҳам касб-хунар коллежлари битирувчиларига ўз тадбиркорлигини йўлга қўйишида асқатмоқда.

Шу маънода, айтиш мумкинки, охириги йилларда банк тизими фаолиятини тубдан ўзгартирди. Соҳа ходимлари идорада ўтирмадан, олис ҳудудларда ташкил этилаётган мулоқотлар, давра суҳбатлари ва учрашувларда фаол қатнашиб, аҳолига амалий кўмак бераёпти. Бунинг фойдаси эса жуда катта. Чунки бундай тадбирлар орқали аҳоли ҳамда тадбиркорлар яратилган имтиёزلардан яқиндан хабардор бўлишди.

Глобал молиявий-иқтисодий инқироз кескинлашиб, дунёнинг айрим банклари таназзулга юз тутган бир шароитда, анқироги, 2008 — 2015 йиллар мобайнида тижорат банклари томонидан биргина андижонлик тадбиркорларга қарийб 3 триллион сўмликдан зиёд, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун

охирги 2 йил ичида 206 миллиард сўм, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга 211,4 миллиард сўм, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига 182,5 миллиард сўм миқдорда кредит ажратилгани эътиборга моликдир.

Мисол учун, Қўрғонтепа туманидаги «Қадим қорвадор» фермер хўжалиғи чорвачиликни ривожлантириш учун Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки вилоят филиалидан олган 55 миллион сўм миқдордаги узоқ муддатли кредит эвазига қорамоллар харид қилган. Натижада хўжалиқда чорва бош сони кўпайиб, кунига 500 литр сут соғиб олинаёпти. Шу каби қўшимча даромадлар эвазига пул маблағлари айланмаси 2 баробар ошиб, ойига 2,5 миллион сўм соф фойда олинмоқда. Шу тумандаги «Шоирабону-78» масъулияти чекланган жамияти ҳам молия муассасасининг 50 миллион сўмлик қўшимчи билан трикотаж маҳсулотлари тайёрлашни йўлга қўйган эди. Мазкур тадбиркорлик субъекти олинган сармояни ўз вақтида қайтарган, банкнинг яна 350 миллион сўмлик сармояси ҳисобига фаолиятини бундан-да кенгайтиришга муваффақ бўлди.

Бугунги кунда корхонанинг бир йиллик товар айланмаси 1,5 миллиард сўмликдан зиёдни ташкил этаёпти. Энг муҳими, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг бир қисми экспортга йўналтирилаётди.

Шунингдек, банкларимиз ёш мутахассисларни молиявий

кўллаб-қувватлаб, имтиёзли кредитлар ажратиб келмоқда. Жумладан, бизнесини йўлга қўйиб олиши ва ривожлантиришлари учун уларга бир йил мобайнида 23,6 миллиард сўм миқдорда кредит тақдим қилинган.

Кувонарлиси, вилоятда қурилган 3 та «Қамолот» уйи ўз эгаларига имтиёзли шартлар асосида 20 йил муддатга берилган ёш оилаларга мамнуният бағишлади.

Бундан ташқари, иқтисодийнинг реал сектори корхоналари ҳам банкларнинг доимий эътиборидадир. Айнан ушбу масалага бағишлаб Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан корхоналар раҳбарлари, тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирокида ўтказилаётган йиғилишларда уларга яратилган имкониятлар, айланма маблағлар олиш тартиблари хусусида батафсил маълумот берилаяпти.

Юртимиз банк тизими «Мижоз банк учун эмас, банк мијоз учун» тамойилига қатъий амал қилган ҳолда, халқимизнинг турмуш даражасини янада оширишда фаол қатнашмоқда. Шунинг учун дунёнинг нуфузли халқаро рейтинг агентликлари республикамиз барча тижорат банки истиқболли «Барқарор» даражасида баҳолаб келаётган бўлса, Халқаро молия корпорациясининг ўтган йилги ҳисоботида Ўзбекистон 189 та давлат орасида тадбиркорларга кредитлар ажратиш бўйича 42-ўринга кўтарилган. Булар мамлакатимиз молия-банк тизимининг барқарор, кафолатли ва ишончли фаолият юритаётганидан далолатдир.

Д. УЛУҒМУРОДОВ тайёрлади.

Хизматлар лицензияланган.

ЖАХОЖ 24 СОАТ ИЧИДА

Лотин Америкасидаги иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлардан бири — Бразилияда ўтган йил яқунларига кўра, ялпи ички маҳсулот ҳажми 3,8 фоиз камайган.

Энг салбий натижа



РЕКЛАМА УРНИДА

Бу сўнги 25 йил ичидаги энг кескин пасайиш ҳисобланади. Изоҳлаштиришча, мамлакат тараққиётида хом ашё маҳсулотлари экспорти муҳим ўрин тутди. Аммо жаҳон бозорида ана шундай товарлар нархининг сезиларли даражада арзонлашгани унинг иқтисодий-тига салбий таъсир кўрсатди.

Қолаверса, 2015 йилнинг биргина тўртинчи чорагида инвестициялар миқдори 4,9 фоиз камайгани туфайли 1,5 миллион нафардан ортиқ фуқаро иш жойидан айрилган.

Фойда кўрмаяпти

Буюк Британиянинг «Royal Bank of Scotland» банки саккиз йилдан буён фойда нималигини билмай келяпти. Масалан, у ўтган йилги 1,97 миллиард фунт стерлинг зиён кўрди.

Мазкур молия муассасасида реструктуризация ва айрим ҳуқуқий масалаларни ҳал этиш учун мос равишда 2,9 миллиард ҳамда 3,6 миллиард фунт стерлинг миқдорида маблағ сарфлангани юқоридаги каби салбий натижа келиб чиқишида асосий омил бўлди.

Уммонлар сатҳи кўтарилмоқда

Иқлимшунослар океанлар сатҳи йиғирманчи асрда бундан 2700 йил аввалгига нисбатан тезроқ кўтарилганини аниқлашди. Ньюфаундленд орOLI яқинидаги денгиз қатламлари ўрганилганда ана шундай хулосага келинди.

«Proceedings of the National Academy of Sciences» илмий журналида чоп этилган мақолада шу хусусда атрофлича сўз юритилган.

Масалан, 700-йилгача Ер юзидagi ўртача ҳаво ҳарорати ошгани туфайли сув сатҳи йилгига 0,1 миллиметр кўтарилган. 700 — 1400 йилларда эса у 0,2 миллиметр тезликда пасайиб, яқунда 8 сантиметргача тушиб кетган. 1900 — 2000 йилларда бу кўрсаткич мутлақо қарама-қарши томонга ўзгариб, 14 сантиметргача етган. Ҳозирги кунда эса уммонлар сатҳи ҳар йили 2,5-3 миллиметргача баландалаяпти. Агар дунё мамлакатлари глобал иссиш жараёнини ўз вақтида тўхта олмаса, 2100 йилгача юқоридаги рақам 1,3 метрни ташкил этиши мумкин.

Тахмин ўзини оқлайдими?

Спорт либослари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «Adidas» компанияси (Германия)нинг жорий йилдаги савдо ҳажми 10 — 12 фоиз атрофида ошиши тақдим қилинаёпти.

Шунинг эвазига у 800 миллион евро ҳажмида соф фойда кўриши мумкин. Бу 2015 йилдагига нисбатан 10 фоиз кўпдир. Компания фаолиятида қўйлаётган ижобий натижалар жорий йил ўтказилган Европа чемпионати ҳамда ёзги Олимпиада уйинлари билан бевосита боғлиқ. Гап шундаки, «Adidas» мазкур нуфузли мусобақаларнинг бош хомийси ҳисобланади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

GRUZZHINA.UZ

Кўп турдаги АВТОШИНАЛАР



Маҳсулот сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.

Тел.: (+99871) 250-07-40. Факс: (+99895) 170-32-52.

«Трансйўлқурилиш» компанияси давлат унитар корхонаси жамоаси директор ўринбосари Алишер Аулова отаси
Абдураим АУЛОВНИНГ
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» MЧЖ

2016 йил 7 апрель куни бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибда ўтказилган очик аукцион савдосига тақлиф этади.

Аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истикбол кўчаси, 45-уйда жойлашган, «Toshkentvino kombinati» АЖ тасарруфидаги кўйидаги автотранспорт воситалари кўйилади:

- 1991 йилда ишлаб чиқарилган, «КАВ3-3270» русумли, давлат рақами 01/378 QBA.
- Бошланғич баҳоси — 6 864 000 сўм.
- 1992 йилда ишлаб чиқарилган, «КАВ3-3976» русумли, давлат рақами 01/234 KAA.
- Бошланғич баҳоси — 6 644 000 сўм.
- 1988 йилда ишлаб чиқарилган, «КАВ3-3270» русумли, давлат рақами 01/043 MBA.
- Бошланғич баҳоси — 6 153 000 сўм.
- Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Мустақиллик майдони, 5/3-уйда жойлашган, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий кенгаши балансидаги, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, «УАЗ-330301» русумли, давлат рақами 01/375 KCA.
- Бошланғич баҳоси — 6 629 200 сўм.

Талабдорлардан буюртманомаларни қабул қилиш иш кунлари мазкур эълон чоп этилган санадан бошланади ва савдо кунидан 2 (икки) кун аввал соат 18.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун бошланғич баҳонинг камида 20 фоизи миқдоридagi закалат пули «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги кўйидаги ҳисоб рақамига тўланиши лозим: 20208000704929318001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Аукцион савдоси голибига савдо кунидан бошлаб йиғирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари ўқлатилади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмай қолган тақдирда, уларнинг такрорий аукцион савдолари улар сотилгунга қадар навбатдаги ҳафталарнинг ҳар пайшанба кунлари ўтказилади. Ушбу автотранспорт воситаларига қизиқиш билдирган талабдорлар уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилларига бориб танишишлари мумкин.

Аукцион савдолари соат 15.00 да бошланади ва кўйидаги манзилда бўлиб ўтади:
Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 16-«А» уйи, 3-қават, 307-хона (мажлислар зали).
Мурожаат учун алоқа воситалари:
тел./факс: (0-371) 233-23-40,
электрон почта:
TUAS_MCHJ@mail.ru

Гувоҳнома № 005357.

«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» АЖ

«Respublika mulk markazi» АЖ томонидан «Халқ сўзи» газетасининг 2016 йил 4 мартдаги 45-сонидa чоп этилган эълоннинг 3-бандидаги «Matiz» русумли, давлат рақами 01/968 VBA бўлган автотранспорт воситасининг бошланғич баҳоси 19 382 000 сўм ўрнига 17 382 000 сўм, деб ўқилсин.

Манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Коракамиш к., 1-«А» уй. Тел./факс: (0-371) 228-79-52.
www.rmm.uz

Гувоҳнома № 001580.

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» MЧЖ

Сирдарё вилояти филиали
бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибда ўтказилган очик аукцион савдосига тақлиф этади.

Аукцион савдосига Янгиер шаҳар СИБ томонидан Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2015 йил 16 январдаги 12-1504/408, 12-1504/405-сонли ва 2015 йил 28 апрелдаги 12-1506/3522, 12-1506/3523, 12-1506/3525-сонли суд буйруқларига асосан хатланган, Янгиер шаҳри, Пахтакор кўчасида жойлашган, қурилиш майдони 32018,49 кв.м., фойдаланиш майдони 33051,40 кв.м. бўлган, «Янгиерўйлундустрия» УКга тегишли бино арзонлаштирилган ҳолда такроран кўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 1 184 894 112 сўм.
Аукцион савдоси 2016 йил 22 март куни соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси

Манзил: Гулистон шаҳри, Ўзбекистон шоҳқўчаси, 3-уй, 3-қават, 58-хона.
Телефон: (0-367) 226-38-91. www.1kms.uz
Хизматлар лицензияланган.

WorldFood Uzbekistan

Озиқ-овқат саноати
Учрашув жойи — Ўзбекистон

2016 йил 16–18 март

Ўзбекистон, Тошкент ш., «Ўзэкспомарказ» МКК.

www.worldfood.uz

«WorldFood Uzbekistan» — мамлакатнинг озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар бозорининг барча муҳим тармоғини қамраб олувчи етакчи халқаро кўргазма.

ITE Uzbekistan
Тел.: (+998 71) 113-01-80.
E-mail: worldfood@ite-uzbekistan.uz

ON-LINE РҲЙХАТДАН ҲТИНГ

«КО'Р ТАРМОҚИ КО'СНМАС MULK SAVDO» MЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибда ўтказилган очик аукцион савдоларига тақлиф этади.

I. Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Учтепа тумани СИБ томонидан 2011 йил 3 февралдаги ижро варақасига ва ажримига асосан хатланган кўйидаги кўчмас мулклар такроран кўйилмоқда:

1. Тошкент шаҳри, Сергели тумани, 2-мавзе, Қора йўл кўчасида жойлашган, умумий майдони 2688 кв.м. бўлган, 5 қаватли маъмурий бинонинг 1-қавати, яъни блок «А», 2-корпуси.

Бошланғич баҳоси — 720 955 091 сўм.
2. Тошкент шаҳри, Сергели тумани, 2-мавзе, Қора йўл кўчасида жойлашган, умумий майдони 1370 кв.м. бўлган, 5 қаватли маъмурий бинонинг 4-5-қаватлари.

Бошланғич баҳоси — 607 849 612 сўм.
II. Аукцион савдосига Тошкент шаҳар СИБ томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 5 декабрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган кўйидаги кўчмас мулклар такроран кўйилмоқда:

1. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Олтинтепа кўчаси, 202-уйда жойлашган, умумий майдони 184,20 кв.м.дан иборат бўлган тураржой.

Бошланғич баҳоси — 355 817 000 сўм.
2. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Подшобоғ кўчаси, 61, 63-уйларда жойлашган, умумий майдони 1090 кв.м.дан иборат бўлган икки қаватли тураржой.

Бошланғич баҳоси — 1 900 129 000 сўм.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 811-хона.
Телефонлар: (0-371) 249-54-59, 249-53-61.

Хизматлар лицензияланган.

Меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик айёми

Тарихи узок ўтмишга бориб тақаладиган халқ ўйинлари жуда кўп. Айримлари ёшларнинг жисмонан соғлом, бақувват, эпчил бўлиб тарбияланишига хизмат қилса, бошқаси топқирликка ўргатган. Жумладан, ўғил болалар "Қиличбозлик", "Чиллак", "Тортишмачок"ни яхши кўришса, қизлар "Супур-супур", "Оқ тераки, кўк терак?", "Хаппак тош" каби ўйинларга қизиқишган. Булар болаларда ижтимоий фаолликни оширган.

НАВРЎЗ УДУМЛАРИ

Айниқса, Наврўз байрами кунларида турли-туман ўйинлар ўтказилади. Масалан, Чироқчи туманида ҳам бундай миллий анъаналар ҳозиргача сақланиб қолган. Қир-адирларда бўладиган

беллашуларга чор-атрофдаги қишлоқлардан ёш-яланлар "оқиб" келади. Давранинг тўрида ўтирган нуронийлар эса болалик пайтларини эслашади. — Узок асрлик тарихга эга бўлган

халқ миллий ўйинлари жозибаси, ранг-баранглиги, ақлий, ахлоқий, жисмоний, эстетик ва рухий тарбиядаги таъсири билан беқиёс аҳамиятга эга, — дейди Қарши давлат университети доценти, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Абдиолим Эргашев. — Лекин ўйинлар ҳеч вақт эрмак бўлмаган, балки кишининг гўдақликдан ўсиб-улгайғунига қадар тарбия воситаси ҳисобланган. Болалиқдан ўйинлар орқали ҳаёт воқеалари, табиат ҳодисалари, сўз қудрати, жамоавий муносабатлар ўргатилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг миллий

қадриятларимизни тиклаш борасидаги саъй-ҳаракатлари туфайли Наврўз умумхалқ байрами теран моҳияти, чуқур фалсафаси, яшариш ва янгила-ниш палласи, шарқона янги йил дебачаси сифатида ҳаётимизда алоҳида ўрин эгаллади. У билан боғлиқ тадбирлар — кураш, кўпқари, пойга каби кўплаб халқ миллий ўйинлари, фольклор асарлари, расм-русумлар, урф-одатлар, қадриятлар тикланди ва улар ёшларни миллий ҳамда умумбашарий ғоялар руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 19 феврал-

даги "2016 йилги Наврўз умум-халқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қароридан ҳам ушбу жиҳатлар алоҳида қайд этилган.

Бинобарин, Наврўз — миллатнинг тарихини, халқнинг руҳиятини, эзгу анъаналарини ифода этган байрам. Шунинг учун ҳам Наврўзда халқнинг минг-минг йиллар давомида шаклланган қадриятлари, урф-одатлари, маданияти ёдга олинади. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, Наврўз руҳи ва фалсафаси одамзодни табиат билан уйғун яшашга, жамиятимизда меҳр-оқибат, дўстлик ва ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан, айниқса, эътиборлидир.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

ТАҚДИМОТ

Миллий матбуот марказида "Кураш электрон кўлланмаси" тақдими ҳамда Италия кураш федерацияси делегациясининг мамлакатимизда ўтказган ўқув-машғулот йиғинлари кўнига бағишланган анжуман ташкил қилинди.

Кураш ҳақида электрон кўлланма

Мустақиллик йилларида юртимизда миллий қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Хусусан, курашнинг спорт тури сифатида халқро микёсда оммалаштиришга эришилгани бу борадаги саъй-ҳаракатларга ёрқин бир мисолдир. Бунда Президентимизнинг 1999 йил 1 февралдаги "Халқро "Кураш" ассоциациясини кўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони муҳим аҳамият касб этаётди.

Ҳозирги вақтда 120 дан зиёд давлатда кураш федерациялари, барча қитъаларда кураш конфедерациялари фаолият юритмоқда. Мазкур спорт турига жаҳон миқёсида қизиқишнинг ортиши унда мардлик, жасурилик, ҳалоллик, рақибга нисбатан олижаноблик сингари эзгу ғоялар улуглашиши билан бевосита боғлиқ.

Шу боис ҳам Осиё олимпия кенгаши Бош ассамблеяси қарорига мувофиқ, кураш қитъамиздаги уч нуфузли мусобақа — жорий йил Вьетнамда ўтадиган Осиё соҳил ўйинлари, 2017 йили Туркманистонда бўладиган ёпиқ иншоотларда ва жанговар яққақурашлар бўйича қитъа ўйинлари ҳамда 2018 йили Индонезия меҳмонлиқ қиладиган

XVIII ёғи Осиё ўйинлари дастурига киритилди. Таъдирда Кураш халқро ассоциацияси тақвимида жой олган мусобақалар, шунингдек, Италия кураш федерацияси президенти Витторио Жюржи раҳбарлигидаги бир гуруҳ мураббий ва ҳакамлар пойтахтимизда кураш борасидаги билим ҳамда таҳрибаларини оширгани ҳақида маълумот берилди.

Анжуманда Кураш халқро ассоциацияси томонидан миллий спортимизни янада кенг тарғиб этиш, уни ўргатишнинг замонавий ва қулай воситаларини жорий қилиш мақсадида ишлаб чиқилган "Кураш электрон кўлланмаси" тақдими бўлиб ўтди. Ушбу лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини кўллаб-қувватлаш жамоат фонднинг гранти эвазига амалга оширилди. Кўлланмадан кураш қоидалари ҳамда усуллари, унинг тарихи, этикаси, мусобақалар ташкил этиш ва ўтказиш тартиблари овозли, матний, сурат, видео-тасвири тарзда ўзбек, рус ва инглиз тилларида жой олган.

Ғазилдин АБИЛОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Ўзбекистон давлат санъат музейида буюк мутафаккирлар — Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ҳамда ижодига бағишланган кўرғазма давом этмоқда.

Буюк тафаккур соҳиблари

Мумтоз адабиётимизнинг икки йирик вакили ҳаёти, улар яшаб ижод қилган адабий муҳит, тарихий давр тасвирланган ушбу намоишда музей захирасида сақланган

КЎРҒАЗМА

экспонатларга кенг ўрин ажратилган. Чунинчи, бу борада бобокалонларимизнинг турли соҳалардаги изланишлари, фалсафий қарашлари, болалиги, издошлари ҳақида ишончли манбаларга мурожаат қилинди. Жумладан, "Навоий Самарқанда" портретида алломанинг бегубор болалиги ёрқин рангларда тасвирланган бўлса, "Лисон ут-тайр" деб номланган

суратда улуг шoirнинг фалсафий қарашлари рассом Жалол Осмонов томонидан ўзига хос истеъдод билан талқин этилган. Саъдулла Абдуллаевнинг "Фаргона ушшоги" асари эса бобурийлар даври ҳақида тасаввур уйғотади.

Шунингдек, рассом М. Кагаровнинг "Сабзавотлар", "Қайрағочлар соясида" асарлари ҳам эътиборга моликдир. Негаки, мазкур суратларда Навоий ва Бобур яшаган даврнинг оддий одамлари, уларнинг турмуш тарзи ўзгача тасвирланган.

Жаҳонгир ТЕМИРХҲАЕВ.

Ўзаро ҳамкорлик ва илмий изланишлар

Тошкент давлат иқтисодий университетидан халқро ҳамкорлик ва замонавий илмий изланиш мавзусига бағишланган конференция бўлиб ўтди.

ХАЛҚРО КОНФЕРЕНЦИЯ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Истеъдод" жамғармаси ҳамда Британия Кенгаши ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу анжуманда олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, изланувчилар, Буюк Британиянинг бир қатор олий ўқув юртлири мутахассислари, талаба-ёшлар қатнашди.

Таъкидланганидек, бугун мамлакатимизда инновацион технологияларни кенг жорий этиш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, олим ва тадқиқотчилар томонидан яратилаётган турли ишланмалар,

инновацион ғоялар амалиётга таъбиқ этилаётгани юксак самаралар бермоқда. Тизимдаги ислохотларни кўллаб-қувватлаш ҳамда рўйба рўй чиқаришда давлат ва нодавлат ташкилотлари билан бир қаторда, юртимизда фаолият юритаётган чет эл ташкилотлари, хусусан, Британия Кенгаши ваколатхонасининг ҳам муҳим ўрни бор.

Анжуманда эътироф этилганидек, айна пайтда Ўзбекистон ва Буюк Британия олий ўқув юртлирида қатор йўналишларда тадқиқотчилар жамоалари шаклланди. Улар иштиракида республикамизда илмий-амалий анжуманлар, семинар-

тренинглари ташкил этилди. Икки давлат илмий доиралари ўртасида ўрнатилган ҳамкорлик асосида "Истеъдод" жамғармаси орқали бир қатор олий таълим муассасалари, жумладан, Тошкент давлат иқтисодий университети, Тошкент тиббиёт академияси, Банк-молия академиясининг 18 нафар олим ва изланувчиси Буюк Британиянинг Бат, Лондон метрополитан ҳамда Бирмингем университетларида малака ошириш ва тадқиқотлар ўтказиш имконига эга бўлди.

Тадбирда ўқувчи-ёшлар, ишбилармон доиралар вакиллари ҳамда журналистларнинг иштирокида қатор йўналишларда тадқиқотчилар жамоалари шаклланди. Улар иштиракида республикамизда илмий-амалий анжуманлар, семинар-

Мавжуда ХОЛМАТОВА.

Реклама ўрнида

UZBEKNEFTEGAZ

Азиз аёллар!

«Ўзбекнефтгаз»

Миллий холдинг компанияси

сизларни баҳор, эзгулик ва нафосат байрами билан самимий тадбирқилайди!

Мамлакатимизда «Соғлом она ва бола йили» деб эълон қилинган 2016 йил юртимиз ахлига омонлик, хушқайфият, олам-олам кубонч ҳамда бахтиёр онларни ҳадя этишики тилайди!

«Дўстлик» орденли Навоий кон-металлургия комбинати жамоаси

Ўзбекистон хотин-қизларини гўзаллик ва нафосат айёми

8 март —

Жаҳонро хотин-қизлар кўни билан чин қалбдан мубаракбод этади!

Хонадонларимиз файзи бўлган сиз, мунис онахонлар, муҳтарам бекалар, дилбар ва лобар қизларимизни баҳор байрами билан қутлаб, энг эзгу тилақларни изҳор қилади. Сўхат-саломатлик, бахт-саодат, шоду хуррамлик, қут-барака, ишларингизда ҳамшиша муваффақиятлар ёр бўлсин!

(«Халқ сўзи»нинг навбатдаги сони 6 март, якшанба кўни чиқади).

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 367. 144 485 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни кўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарк" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машираббоев.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.00 Топширилди — 21.40 1 2 3 4 5 6